

А Ж Р И М

2021 йил октябрь ойининг 14 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: Р.Раҳманов,

судья ёрдамчиси Ж.Шариповнинг суд мажлиси баённомаси юритувида, тарафлардан давлат айбловчиси – Тошкент авиация транспорт прокурори Ш.Мамаджанов, судланувчи Н.Ҳ ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи – “Менс Legis” адвокатлик бюроси адвокати Ж.Неъматовнинг иштирокида, М.Абдужабборий ва Х.Атамуродоваларнинг таржимонлигида, Н.Ҳ.Ҳга нисбатан 1-1002-2104/-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Н.Ҳ.Ҳ, 1958 йил 9 ноябрь куни Америка Қўшма Штатларида туғилган, миллати америкалик, Америка Қўшма Штатлари фуқароси, оиласидан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, маълумоти олий, ишсиз, муқаддам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида судланмаган, Америка Қўшма Штатлари, Миннесота Фариблаулт, Невхал драйв манзилида рўйхатда туриб, вақтинча Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Турк ариқ кўчаси, -уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган;

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Н.Ҳ.Ҳ 2021 йил 2 август куни соат 08:00да, “Тошкент–Истанбул” йўналишидаги 369-сонли рейс билан Ўзбекистон Республикасидан Туркия давлатига учиб кетиш учун “Ислом Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига келиб, умумий учиб кетиш залидаги “яшил” йўлак орқали ҳаракатланиб, божхона назоратидан ўтиш жараёнида жуда кўп миқдорда 19.430 АҚШ долларини (Ўзбекистон миллий валютасига нисбатан қиймати 206.782.414,9 сўмни ташкил қилади) яшириб, жисмоний шахслар томонидан тегишли рухсатнома ёки ёзма декларациялаштирилиши лозим бўлган чет эл валютасини чегара божхона ходимларининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтган вақтида, чегара божхона назорати ходимлари томонидан ушланган ва унга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда 19.430 (ўн тўққиз минг тўрт юз ўттиз) АҚШ доллари олиб қўйилган.



Судланувчи Н.В судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни 2021 йил 2 август куни “Ислом Каримов” номидаги Тошкент халқаро аэропортига “Тошкент-Истанбул” рейси билан учиб кетиш учун келганлигини, ўз билети ва багажини рўйхатдан ўтказганлигини, аэропорт ҳудудида ҳаракатланаётган вақтида, уни божхона ходими тўхтатиб, қўл юқларини рентген аппаратида ўтказишини сўрашганлигини, шунда ўзига тегишли бир дона чемодани, бир дона рюкзаги ва бир дона виолончель солинган қизил рангли чемоданчани рентген аппаратида қўйганлигини, унга тегишли барча қўл юқлари рентген аппаратида ўтказилгандан сўнг, божхона ходими унга тегишли қўл юқларини, жумладан ёнидаги мусиқа асбобини ва кўк рангли рюкзагини текшириш мақсадида кўрик стойкасига таклиф қилганлигини, божхона ходими унга тегишли виолончель мусиқа асбобининг ишлаб чиқарилиш йилини сўраганида, у ушбу мусиқа асбоби ўзига тегишли эканлигини айтиб, ишлаб чиқарилганига тахминан 10 йил бўлганини маълум қилганлигини, шундан сўнг божхона ходими унга тегишли кўк рангли рюкзагини божхона назоратига тақдим қилишини сўраганлигини, шунда кўк рангли рюкзагини божхона ходими текшириши учун очиб кўрсатганлигини, рюкзаги ичидаги фотоапаратнинг устки қисмида йигирма мингдан ортиқроқ АҚШ доллари бўлганлигини, бироқ ушбу валюта қимматликларини декларацияга киритмаганлигини, аммо ушбу пулларни ўзининг ҳисоб-рақамидан банк орқали ечиб олганлигини, божхона ходимлари унга муайян миқдордан ортиқ валюта қимматликларини декларацияламасдан олиб чиқиш мумкин эмаслигини тушунтиришганлигини, ушбу жиноятни қонунларни билмагани ва унга бирор шахс бу ҳақда тушунтирмагани сабабли содир қилинганлигини, ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушиниб етиб ва бундан пушаймонлигини, уни оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, жавобгарликдан озод қилишни сўраб, ариза тақдим қилди.

Суд давлат айбловчисини хулосасини, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва тақдим қилинган ариза важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 1-қисмида, ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Н.В АҚШ фуқароси бўлиб, Ўзбекистон Республикасига Халқаро ташкилот томонидан ташкил қилинган семинарда иштирок этиш учун келган ҳамда “Asia alliance Bank” ХОАТБдан ўз ҳисоб-рақамида мавжуд бўлган маблағларнинг 21.000 АҚШ доллари қисмини нақд ҳолда ечиб олган. Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги билан таниш бўлмагани сабабли, муайян миқдордан ортиқ



нақд пулларни декларциялаш лозимлигини билмаган. Ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушуниб етган ва пушаймонда.

Бундай ҳолатларда суд судланувчи Н.Ҳнинг аризасини қаноатлантириб ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан, ЖКнинг 65-моддаси талабларига кўра тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд мазкур жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 19.430 АҚШ долларини давлат эғалигига ўтказишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми, 8-банди, 423-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Н.Ҳ.Ҳ га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан кўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖК 65-моддаси, ЖПК 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосан, айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 19.430 АҚШ доллари давлат эғалигига ўтказилсин.

Ажрим устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар умумий юрисдикция суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:
Нусха аслига тўғри.

имзо

Р.Раҳманов

